

ҲАРОРАТ МЕЪЁРДАН
ЮҚОРИ БЎЛИШИ КУТИЛМОҚДА

ЮҚОРИ



ЖАММИЯТ

№ 22 (992)
2026 йил
2 июль,
Пайшанба

Ижтимоий-сиёсий, экологик газета

2006 йил 31 августдан чоп этилаётган

САЙЁРАМИЗНИНГ

«ИСИТМАСИ»

ЗАВОЛ КЕТГАН ВАҚТ...



ЎЗГАРИШ ДАВРИ КЕЛДИ!



САЙЁРАМИЗНИНГ «ИСИТМАСИ»



XXI аср инсонияти мисли кўрилмаган технологик ютуқларга, рақамли инқилобга эришди. Бироқ бу тараққиётнинг орқа фонида табиатга етказилган улкан зарарлар ва бугун жаҳон аҳлини таҳликага солаётган иқлим инқироzi турибди. Сайёрамиз худди оғир хасталикка чалинган бемордек «иситмаламоқда». Иқлим ўзгариши, ҳавонинг ифлосланиши, биологик хилма-хилликнинг йўқолиши шунчаки экологик атамалар эмас, балки инсоният цивилизациясининг келажагини сўроқ остида қолдираётган реал таҳдидлардир.

Сўнгги йилларда дунё бўйлаб кузатилаётган ғайритабиий об-ҳаво ҳодисалари — кучли қурғоқчиликлар, мисли кўрилмаган тошқинлар ва даҳшатли ўрмон ёнғинлари табиат мувозанати бузилганидан далолат беради. Бунинг бош сабабчиси — инсон омилidir. Саноат корхоналари, транспорт воситалари ва ўрмонларнинг кесилиши натижа-сида атмосферага ис гази ва бошқа иссиқхона газларининг чиқарили-ши кескин ортди. Бу газлар Ерни худди кўрпа каби ўраб олиб, қуёш иссиқлигини коинотга чиқармайди ва натижада «иссиқхона эффекти»-ни юзага келтиради.

Иқлим ўзгариши биздан жуда узоқдаги жараён эмас. Биз буни ҳар йили ёзда рекорд даражадаги иссиқ кунларнинг кўпайишида, қишнинг эса кутилмаганда ўта қаттиқ ёки ҳаддан ташқари илиқ ва ёғингарчи-ликсиз келишида ҳис қилишимиз.

• **Глобал ҳарорат:** Жаҳон метеорология ташкилоти маълумотлари-га кўра, сўнгги ўн йиллик инсоният тарихидаги энг иссиқ давр бўлди. Сайёрамизнинг ўртача ҳарорати са-ноатлашиш давридан олдинги давр-га нисбатан 1,2-1,5 даражага кўта-рилди. Бир қарашда кичик туюлган бу рақам океанлар даражасининг кўтарилишига ва музликларнинг

шиддатли эришига сабаб бўлмоқда.

• **Ҳаво ифлосланиши:** БМТ ҳи-сobotига кўра, дунё аҳолисининг 90 фоизи сифатсиз ва ифлосланган ҳаводан нафас олмоқда. Ҳар йили атмосферанинг ифлосланиши оқи-батида дунёда 7 миллионга яқин инсон вафот этмоқда.

Атроф-муҳитни асрашдаги энг оғрикли нуқталардан бири — бу чиқиндилар, хусусан, пластик му-аммосидир. Инсоният кундалик ҳаётини енгиллаштириш учун ярат-ган полиэтилен пакетлар ва плас-тик идишлар бугун табиатнинг энг ашаддий душманига айланди.

Биргина пластик шиша ёки па-кетнинг табиатда тўлиқ парчала-ниши учун 400 йилдан 500 йилгача вақт талаб этилади. Демак, илк бор ишлаб чиқарилган пластик ҳали ҳам ер юзида чиримай турибди. Ҳар йили миллионлаб тонна пластик чиқиндилар океанларга ташланади. Бунинг оқибатида денгиз жонзотла-ри ва қушлар ҳалок бўлмоқда. Эн-г ёмони, пластик микрoзаррачаларга бўлиниб, сув ва озиқ-овқат занжи-ри орқали инсон организмга қай-та кирмоқда. Биз ўз қўлимиз билан атрофга отган чиқинди, охир-оқи-бат соғлиғимизга урилган зарба бў-либ қайтмоқда.

Марказий Осиё, жумладан, Ўз-

бекистон иқлим ўзгариши таъси-рини энг кўп сезаётган ҳудудлар-дан биридир. Чўлланиш жараёни тезлашмоқда, чанг бўронлари тез-тез кузатиляпти. Бундай вазиятда давлат томонидан атроф-муҳитни соғломлаштириш йўлида стратегик ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда иқлим инқиро-зига қарши курашиш учун бир қатор кенг қўламли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда:

1. «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси: Мамлакатимизда йилига 200 миллион туп дарахт ва бута кў-чатларини экиш мақсад қилинган. Бу шаҳарлар ва қишлоқларда «яшил белбоғлар» яратиш, ҳаво таркибини яхшилаш ва чўлланишнинг олдини олишга хизмат қилмоқда.

2. Орол денгизи тубини кўкарти-риш: Қуриган денгиз тубидаги чанг ва тузлар ҳавога кўтарилмаслиги учун миллионлаб гектар майдонда саксовул ва чўлга чидамли ўсимлик-лардан иборат яшил ўрмонзорлар барпо этилди.

3. Қайта тикланувчи энергия: Энергетика тизимини трансфор-мация қилиш, кўмир ва газдан босқичма-босқич воз кечи-б, қуёш ва шамол электр станцияларини ку-риш жадаллашмоқда. Мақсад — ат-мосферага чиқариладиган зарарли газларни кескин камайтиришдир.

Атроф-муҳитни муҳофаза қи-лиш фақат Экология қўмитаси ёки ҳукуматнинг иши эмас. Токи ҳар бир фуқаро экологик маданиятни ўз ҳаётига татбиқ этмас экан, конун-лар кутилган натижани бермайди. Биз кўчага чиқинди ташлашни од-дий ҳол деб қараймиз, дарахтлар-ни ўз манфаатимиз учун кесишдан қайтмаймиз. Аслида эса битта катта

дарахт бир суткада 3-4 киши учун зарур бўлган кислородни ишлаб чиқаради.

Табиатни асраш учун ҳар биримиз нима қила оламиз?

• **Пластикдан воз кечинг:** Бо-зорга борганда полиэтилен пакет-лар ўрнига матоли сумкалардан (эко-сумка) фойдаланишни одат қилинг.

• **Дарахт экинг ва парвариш-ланг:** Ҳар бир инсон йил давомида ҳеч бўлмаса битта кўчат экиб, уни вояга етказса, фарзандларига яшил келажак қолдирган бўлади.

• **Энергияни тежаниг:** Уйдан чиқаётганда чироқларни ўчириш, тежамкор маиший техникалардан фойдаланиш орқали биз электро-станциялардан ҳавога чиқадиған заҳарли газларни камайтираимиз.

• **Сараланг:** Имкон қадар чиқиндиларни (қоғоз, пластик, шиша) алоҳида ажратиб, қайта ишлаш корхоналарига топшириш тизимини оилада йўлга қўйинг.

Ер сайёраси инсониятсиз ҳам яшай олади — бунга миллионлаб йиллар давомида гувоҳ бўлган. Аммо инсоният Ерсиз яшай олмай-ди. Табиат бизга берган тоза ҳаво, мусаффо осмон ва яшил борлиқ бепул бўлгани учун қадрсиз эмас. Уларнинг захираси чекланган. Бу-гун атроф-муҳитга бўлган муноса-батимизни ўзгартирмасак, эртага фарзандларимиз бизни кечирмайди. Газетамиз ўқувчиларини Она табиат-га истеъмолчи кўзи билан эмас, балки унинг фарзанди, асровчиси сифатида қарашга қақирамиз. Сайёрамизни асраш — ўзимизни асрашдир!

Д. МАХМУДОВА

«Ўзгидромет» кузатувига кўра, июль ойининг дастлабки кунларида ҳаво ҳарорати нисбатан қулай бўлади. Бироқ ойнинг биринчи ўн кунлиги охирига бориб ҳарорат 37–40 даражагача, жанубда эса 41–43 даражагача кўтарилади.

ҲАРОРАТ МЕЪЁРДАН ЮҚОРИ БЎЛИШИ КУТИЛМОҚДА

Ой давомида ҳаво ҳарорати меъёрдан 1,5–3 даражага юқори бўлиши, айрим ҳудудларда эса 45 даражагача етиши мумкин. Июль асосан ёғингарчиликсиз ўтади, фақат тоғолди ва тоғли ҳудудларда қисқа муддатли ёмғир ҳамда момақал-дирок кузатилиши эҳтимоли бор.





Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Маҳалла бошқарувини самарали ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳуқуқий жиҳатдан кенг қўламли, мазмунан эса чуқур ислохотларни назарда тутувчи ҳужжатдир. У фақат маҳалла фаолиятини тартибга солувчи тартибларни янгилабгина қолмай, маҳалла институтини замонавий бошқарувнинг мустақил ва самарали бўғинига айлантиришни мақсад қилган.



МАҲАЛЛА ТАРАҚҚИЁТИДА ЯНГИ БОСҚИЧ



Йил 1 ноябрга қадар ишга туширилиши белгиланган мазкур тизим 35 та вазирлик ва идоранинг ахборот базаларини ягона экотизимга бирлаштиради. Бу орқали маҳаллаларнинг реал ҳолати тўғрисида доимий ва ишончли маълумотлар шакллантирилади.

Платформа маҳаллаларни инфратузилма, тадбиркорлик, ишсизлик, камбағаллик, жиноятчилик ва бошқа муҳим кўрсаткичлар асосида “қизил”, “сарик” ва “яшил” тоифаларга ажратади. Бу эса маҳаллалар фаолиятини баҳолашда инсон омили ва субъектив ёндашувни минималлаштиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, сунъий интеллект технологиялари ёрдамида аҳоли мурожаатлари автоматик сараланиб, масъул идораларга йўналтирилади ва ижроси мунтазам назорат қилинади.

Бироқ рақамлаштириш фақат назорат механизми билан чекланмайди. Энди фуқаролар йиғинлари қарорларини қабул қилиш ва овоз бериш жараёнлари ҳам электрон шаклга ўтказилади. Онлайн ижтимоий сўровлар орқали аҳоли фикри мунтазам ўрганилади. Бу эса маҳаллани ҳақиқий маънода замонавий “смарт бошқарув” тизимига айлантириш йўлидаги муҳим қадам ҳисобланади.

Янги Фармон маҳалла еттилиги фаолиятини ҳам мутлақо янги мезонлар асосида ташкил этади. Эндиликда ҳар бир аъзонинг масъулияти аниқ рақамлар билан мустаҳкамланди. Хусусан, маҳалла раиси учун 26 та, ҳоким ёрдамчиси учун 14 та, хотин-қизлар фаоли учун 10 та, профилактика инспектори учун 22 та, ижтимоий ходим учун эса 5 та аниқ вазифа белгиланди.

Бу ўзгариш масъулият тушунчасини мутлақо янги bosqichga олиб чиқади. Энди ким қайси вазифа учун жавобгар экани аниқ белгилангани боис, ҳар бир раҳбар фаолиятини холис баҳолаш имконияти пайдо бўлади.

Шу мақсадда маҳалла раислари фаолиятининг рейтинг тизими жорий этилмоқда. Энг яхши ва энг паст натижа кўрсатган маҳаллалар ҳақидаги маълумотлар “Маҳалла” газетаси ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Демак, рейтинг нафақат рағбатлантириш, балки очиқлик ва ҳисобдорликни таъминловчи муҳим механизмга айланади.

Фармон маҳаллаларнинг молиявий мустақиллигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратган. Энди маҳалла жамғармаларига санитария ва ноқонуний қурилиш учун ундирилган жарималарнинг 10 фоизи, жисмоний шахслардан олинандиган мол-мулк ва ер солиғининг 15 фоизи ҳамда маҳалла биноларини ижарага беришдан тушадиган маблағлар йўналтирилади. Шунингдек, республика бюджетидан ҳар йили 200 миллиард сўм ажратилиши белгиланган.

Бу ёндашув маҳаллаларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш билан бирга, уларнинг ҳудудни ободонлаштириш ва тартибни сақлашдаги манфаатдорлигини ҳам оширади.

Фармоннинг яна бир муҳим янгиллиги – маҳалла еттилигига биринчи марта унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахслар учун кафиллик бериш ваколатининг берилишидир. Агар кафилликка олинган шахс уч йил давомида ҳуқуқбузарлик

содир этмаса, мазкур жараёнда иштирок этган маҳалла фаоллари қўшимча рағбатлантирилади. Бу маҳаллани жазолаш эмас, балки инсонни жамиятга қайта мослаштиришнинг муҳим ижтимоий институтига айлантиради.

Фармон маҳалла институтининг халқаро нуфузини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратган. Хусусан, “Маҳалла” атамасини ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритиш ҳамда хориждаги ватандошлар орасида “Маҳалла элчиси” институтини жорий этиш режалаштирилмоқда. Бу маҳаллани нафақат миллий бошқарув модели, балки ўзбек халқининг бой маданий мероси сифатида дунёга танитишга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, янги ҳужжат маҳалла институтини такомиллаштиришнинг навбатдаги bosqichi эмас, балки унинг фаолиятини янги тамойиллар асосида қайта ташкил этишга қаратилган стратегик ҳужжатдир. Унда рақамли бошқарув, аниқ масъулият, молиявий мустақиллик ва жамоатчилик иштирокини кучайтириш каби муҳим механизмлар бир бутун тизим сифатида мужасамлашган. Энди асосий вазифа ушбу ислохотларни амалиётда тўлиқ ва самарали жорий этишдан иборат. Зеро, маҳалла фаолиятидаги ҳар бир ижобий ўзгариш, аввало, аҳолининг давлатга бўлган ишончи ва ҳаёт сифатида ўз аксини топади.

Дилмурод ҚАМБАРОВ,
Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази мутахассиси

Зеро, маҳалла ўзбек халқи учун оддий маъмурий ҳудуд эмас. У асрлар давомида шаклланган жамоавий бошқарув маданияти, ўзаро меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва масъулиятнинг бетакрор намунасидир. Шу боис ҳам мамлакатимизда маҳалла институтини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда.

Айнан шу эҳтиёжлардан келиб чиқиб, 2026 йилда ҳукумат маҳалла тизимига мутлақо янги ёндашувни таклиф қилди. Фармон маҳаллани замонавий бошқарув, рақамли технологиялар ва жамоатчилик иштирокини уйғунлаштирган тизим сифатида ривожлантиришга қаратилган.

Ҳужжатнинг энг муҳим янгилликлари билан бири – “Рақамли маҳалла” электрон платформа-сининг жорий этилишидир. 2026

ЗАВОЛ КЕТГАН ВАҚТ...

Шу кунларда бизга кўшни давлатнинг собиқ президентларидан бирининг интервьюсига кўзим тушиб қолди. Уни кўпчилик кўрган ёки ўқиган бўлса, ажаб эмас. Ўша интервьюда у бошқа бир собиқ давлат раҳбарига уша юртда ҳайкал ўрнатишни таклиф қилади. Сабаби – у ўз мамлакатини қаттиқ назорат остида ушлаб, ўнлаб йиллар давомида унинг тараққиётини секинлаштирган, шу орқали минтақадаги бошқа давлатларга илгарилаб кетиш, бизнес ва иқтисодни ривожланиб кетиш имконини берган экан.

Бу анча бетакаллуф, аммо ҳақиқатга яқин фикрларни ўқир эканман, ҳаётимиздаги энг муҳим кадриятлардан бири ҳақида ўйлаб қолдим.

Вақтнинг шундай бир хусусияти бор. Уни ортга қайтариб бўлмайди. Пулни яна топиш мумкин. Заводларни қайта қуриш, йўллар барпо этиш, мактаблар ва университетлар очиш, ҳатто вайрон бўлган шаҳарларни ҳам тиклаш мумкин, аммо йўқотилган йиллар абадий йўқолиб кетади.

Тасаввур қилинг: сизда жуда катта, унумдор ер майдони бор. Жойи ҳам қулай. Суви бор, қуёши бор. Ихтиёрингизда ишлайман деган билим-ли ва меҳнаткаш инсонлар ҳам топилади. Лекин сиз бу ердан фойдаланмасликка қарор қилгансиз. Уни баланд темир – бетон девор билан ўраб, панжара ичига чорак аср давомида ёпиб қўясиз...

Шу вақт ичида кўшнилариңиз савдо қилишни, ишлаб чиқаришни, пул сармоя олиб келишни, бошқалар билан рақобат қилишни ўрганади. Улар бойиди. 30 миллион аҳолига, газ, олтин, уран, пахта каби бойликларга ва бутун цивилизациялар ҳавас қиладиган тарихга эга мамлакат эса тараққиёт йўлининг бир четида қолиб кетади. Истеъдодли миллионлаб ёшлар, табиатан ғайратли ва уддабурон инсонлар эса, минг афсус, йўл чеккасида чиқиб қолади.

Айнан мана шу ҳолат Ўзбекистонда юз берди.

СССР парчаланган пайтда кўшни давлатнинг собиқ президенти таъкидлаганидек, мамлакатимиз кўплаб соҳаларда Марказий Осиёнинг бошқа давлатларига нисбатан устунликка эга эди. Аммо бизда мамлакатни ташқи дунёдан ёпиш қарори қабул қилинди.

Бу қарорнинг бадали эса жуда қимматга тушди. Юзлаб заводлар анча олдин пайдо бўлиши, юз минглаб иш ўринлари 2000-йилларнинг ўзидаёқ яратилиши мумкин эди. Миллионлаб ёшлар

ўз юртида ишлаб, яхши лавозимларга кўтарилиши, ўз кадр-қимматини ерга уриш ҳисобига чет элларда иш излашга ва ҳақоратомуз “ғастарбайтер” деган тамга босилишига мажбур бўлмасди.

Бу йўқотишларни ҳеч ким аниқ ҳисоблаб чиқолмайди. Уларни ўлчаётганимиз имкони йўқ. Муаммо одамларда ҳам, ресурсларда ҳам эмас эди. Мамлакатда буларнинг барчаси доимо бор эди.

ЕТИШМАГАН НАРСА – ОЧИҚЛИК ЭДИ

Бугун эса Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ўтган бир неча ўн йилликларга нисбатан анча тез суръатларда ўзгармоқда. 2019 йилда Британиянинг нуфузли «The Economist» журнали Ўзбекистонни «Йил мамлакатини» деб эълон қилган эди. Журнал буни «ёпиқ жамиятли эскича постсовет диктатурасидан жаҳон иқтисодиётига жадал интеграциялашаётган мамлакатга сифат жиҳатидан кескин сакраш» дея таърифлаганди.

Бу бизнинг кўнглимизни кўтариш учун айтилган шунчаки мактов эмас. «The Economist» бундай таърифларни осонликча ёзмайди. Бугунги ўзгаришларни мураккаб статистикасиз ҳам кўриш мумкин. Янги қурилишлар, ишга тушаётган корхоналар, хорижий инвесторлар сони, мамлакат бўйлаб шаҳарларнинг кифоаси тубдан ўзгараётгани шундан далолат беради. Икки ҳафта олдин Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида 43 млрд АҚШ долларлик келишувлар имзоланди, давлатимиз ЯИМ насиб 185 млрд АҚШ доллари қараб кетяпти (10 йил бурун 38-40 млрд эди), олтин валюта захирамиз 71 млрд долларни ташкил қилмоқда.

Мен кўп саёҳат қиламан, буни ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларимдан яхши биласиз. Ўз-

бекистоннинг исталган ҳудудига боринг, кўзингизни юминг, кейин очсангиз қаердалигингизни билишингиз қийин бўлади. Наманганни яқин орада бориб кўрдингизми? Осмонўпар иншоотлар кўкка бўй чўзмоқда. Сирдарёничи? Янги Тошкентни қаранг: шиддат билан ўзгаришини. Илгари нисбий фаровонлик ва кўркемликнинг асосий маркази азим пойтахтимиз Тошкент эди. Бу эса ёпиқ прописка тизими ва ички миграцияга қўйилган чекловлар эвазига таъминланганди. Мамлакат фуқароси ҳоҳ қурувчи, ҳоҳ уста ё киракаш бўлсин оддий маҳалла нозирининг текширувидан ўтгач, махсус қабулхонага ПАЗ автобусида олиб кетилиб, 5 кундан 15 кунгача сақланиши мумкин эди. Ҳамма паспортини кўтариб юрарди ўз юртида. Милисани кўриб, ўз элида зир титраб қочарди йигитлар катта магистрал кўчанинг у тарафидан бу тарафига...

Албатта, ҳали ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар ҳам кўп. Кучли судлар, ҳақиқий рақобат, камроқ бюрократия зарур. Бундай камчиликлар изчил ва босқичма-босқич бартараф этилмоқда. Аммо, энг муҳими, аллақачон содир бўлди. Мамлакат олдинга қараб, ишончли ва қудратли қадамлар билан ҳаракатлана бошлади.

Яқунда таъкидламоқчиманки, менинг фикримча, сўнгги ўттиз беш йилнинг асосий сабоғи жуда оддий:

ВАҚТНИ ортга қайтариб бўлмайди. Фақат уни энди йўқотмасликни ўрганиш мумкин.

ВАҚТ БОШҚА ЗАВОЛ КЕТМАСИН...

Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист,

Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори, сиёсий фанлар доктори, профессор



Болаларнинг ёзги таътилини мазмунли ва мароқли ташкил этишда Самарқанд туманидаги «Самарқанд» оромгоҳи алоҳида ўрин тутати.

Табиатнинг гўзал ва сўлим бағрида жойлашган ушбу маскан болажонлар учун нафақат дам олиш, балки билим ва истеъдодларини ривожлантириш имконини ҳам яратмоқда.

Жорий йилда оромгоҳда 4 давра давомида жами 446 нафар болани соғломлаштириш режа-лаштирилган. Айни пайтда 2-давра муваффақи-

МИРОНҚУЛ БАҒРИДАГИ СЎЛИМ ОРОМГОҲ

ятли яқунланди. Ҳар бир даврада болалар учун мароқли хордиқ чиқариш, спорт билан шуғулланиш ва турли тўғаракларда қатнашиш учун барча шароитлар яратилган.

2,5 гектар майдонни эгаллаган оромгоҳ ҳудуди яшилликка бурканган бўлиб, бу ерда 1000 дан ортиқ дарахт қад ростлаган. Мусаффо ҳаво, соя-салқин хиёбонлар ва табиатнинг бетакрор манзараси болаларга унутилмас таассурот улашмоқда.

Оромгоҳда спорт тўғараклари билан бир қаторда зардўзлик ва роботехника тўғараклари ҳам фаолият юритмоқда. Ушбу машғулотлар болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш,



уларнинг қизиқиш ва иқтидорларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Китобсеварлар учун ҳам барча имкониятлар яратилган. Оромгоҳ кутубхонасида 300 дан ортиқ китоб, шунингдек, газета ва журналлар жамланган бўлиб, ёш китобхонлар бу ерда мутолаа қилиб, билим доирасини янада кенгайтirmoқда.

Оромгоҳ раҳбари Фарид Хуррамовнинг таъкидлашича, янги мавсум олдидан ҳудуд атрофи тўлиқ таъмирланиб, болалар учун яратилган шароитлар янада яхшиланган. Хусусан, чойшаблар ҳамда идиш-товоқлар янгиланиб, дам олувчиларга янада қулай ва озода муҳит яратилди. Шунингдек, замонавий сузиш ҳавзаси ҳам болалар ихтиёрига топширилган бўлиб, улар ёзнинг иссиқ кунларида мароқли хордиқ чиқармоқда.

Бу ерда яратилган шароитлар болаларнинг ёзги таътилини мазмунли, хавфсиз ва унутилмас лаҳзаларга бой ўтказишига хизмат қилмоқда.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
“Жамият” мухбири



Бугун Ер юзиди сув ресурсларининг камайиши энг оғрикли муаммолардан биридир. Кўпчилик сайёрамизнинг 70 фоизи сувдан иборат-ку, нега хавотир олишимиз керак, деб ўйлайди. Ваҳоланки, бу сувларнинг 97 фоизи шўр океан ва денгиз сувлари бўлиб, ичишга ярокли чучук сув захираси бор-ўғи 3 фоизни ташкил этади. Унинг ҳам катта қисми шимолӣ ва жанубӣ кутблардаги музликларда сақланади. Инсоният фойдаланиши мумкин бўлган дарё ва кўллар суви умумий сув захирасининг 1 фоизи-га ҳам етмайди.

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг юрагида жойлашган бўлиб, трансчегаравий дарёлар – Амударё ва Сирдарёга тўлиқ қарам ҳисобланади. Биз истеъмол қиладиган сувнинг қарийб 80 фоизи қўшни давлатлардаги музликлардан бош-

Инсоният яралибдики, сув ҳаёт, гўзаллик, ободлик ва тараққиёт манбаи бўлиб келган. Ота-боболаримиз «Сув келтирган азиз, кўза синдирган азиз эмас», «Сувга тупурма, сувга суяк ташлама» деб бежиз айтишмаган. Бугун эса бу ўғитлар шунчаки чиройли сўзлар эмас, балки глобал омон қолиш шартига айланди. Иқлим ўзгариши ва сув танқислиги эшик қоқиб эмас, деразани синдириб кириб келаётган ҳозирги даврда сув масаласи миллий хавфсизлик даражасига кўтарилди.

ТИЛЛОГА ТЕНГ ТОМЧИ

ланади. Сўнгги йилларда жазирама иссиқнинг ортиши натижасида Помир ва Тянь-Шан тоғларидаги музликлар шиддат билан эримокда. Бу эса яқин келажакда дарёларимиз суви кескин камайиб кетишидан далолат беради.

• **Глобал вазият:** БМТ маълумотларига кўра, дунёда 2 миллиарддан ортиқ инсон тоза ичимлик сувидан маҳрум шароитда яшамокда. 2030 йилга бориб сув танқислиги сабабли 700 миллиондан ортиқ одам ўз уйларини ташлаб кетишга мажбур бўлиши мумкин.

• **Миллий статистика:** Ўзбекистонда йилдан-йилга сувга бўлган талаб ортиб бормокда. Бироқ экспертларнинг прогнозларига кўра, 2030 йилга бориб мамлакатимизда сув танқислиги 7 миллиард куб метрга етиши мумкин. Агар ҳозирдан чора кўрилмаса, 2050 йилга бориб сув ресурслари яна 25-30 фоизга камаяди.

Ўзбекистон халқи сув исрофи ва экологик лоқайдликнинг аянчли оқибатларини ўз кўзи билан кўрган миллатдир. Бир пайтлар дунёда катталиги бўйича тўртинчи ўринда турган Орол денгизининг бир авлод кўз ўнгида қуриши – инсоният тарихидаги энг йирик экологик фожиалардан биридир.

Дарё сувларининг асоссиз равишда, режасиз суғориш тизимларига йўналтирилиши Оролни

чўлга айлантирди. Бугунги кунда собиқ денгиз тубидан кўтарилаётган туз ва чанг бўронлари нафақат Қорақалпоғистон ёки Хоразм, балки Помир тоғларидаги музликлар устига бориб қўнмоқда. Туз музнинг эришини тезлаштирмоқда. Бу маҳаллий иқлимни янада қуруқ ва иссиқ қилиб қўйяпти. Сувнинг камлиги қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликнинг пасайишига, ерларнинг шўрланишига ва аҳоли ўртасида турли касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Орол фожиаси – сувга бўлган бепарволикнинг энг олий дарсхонасидир.

Сув муаммосини фақатгина қақирқлар билан ҳал қилиб бўлмайди. Бу борада давлат миқёсида қатъий стратегик қадамлар ташланмоқда. Ўзбекистонда сув хўжалигини ривожлантириш ва сувни тежовчи технологияларни жорий этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Мамлакатимизда сувдан фойдаланиш маданиятини тубдан ўзгартириш бўйича йирик дастурлар амалга оширилмоқда:

1. Томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш: Қишлоқ хўжалигида эскича суғориш усулларидадан воз кечилиб, сувни 50 фоизгача тежайдиган томчилатиб суғориш тизимлари давлат томонидан субсидияланмоқда.

2. Каналларни бетонлашти-

риш: Далаларга етиб боргунча сувнинг тупроққа сингиб исроф бўлишини олдини олиш учун республика бўйлаб минглаб километрлик йирик каналлар бетон қопламаларга ўтказилмоқда.

3. Рақамлаштириш ва «Ақлли сув» тизими: Сув тақсмотини адолатли ва шаффоф қилиш учун сув иншоотларига онлайн назорат

қурилмалари ўрнатилмоқда. Мақсад – ҳар бир томчи сувнинг ҳисоб-китобини юритишдир.

Давлат қанчалик ҳаракат қилмасин, агар ҳар бир фуқаро ўз уйида, қундалик ҳаётида сувни қадрлашни бошламаса, ижобий натижага эришиб бўлмайди. Биз сув арзон бўлгани учун уни чексиз, деб ўйлаймиз. Кўчага сув сепиш, машинани шланг билан соатлаб ювиш, тиш юваётганда жўмракни очиқ қолдириш – буларнинг бари келажакимизни ўғирлашдир.

Оила бюджети ва табиатни асраш учун оддий тавсиялар:

• **Жўмракларни таъмирланг:** Дақиқасига атиги 20 томчи томадиган носоз жўмрак бир йилда 3000 литрдан ортиқ сувнинг беҳуда оқиб кетишига сабаб бўлади.

• **Идиш ва кир ювиш маданияти:** Кир ювиш ва идиш ювиш машиналарини тўлиқ тўлгандагина ишлатинг. Бу ҳам сувни, ҳам электр энергиясини тежайди.

• **Фарзандлар тарбияси:** Болаларга сувнинг муқаддас неъмат эканлигини ўргатинг. Уларга сув билан ўйнашишга йўл қўйманг.

Сув – бу шунчаки кимёвий формула ёки жўмракдан оқаётган суюқлик эмас. Сув – бу ҳаёт. Бугун биз исроф қиладиган ҳар бир томчи сув эртага фарзандларимиз ташна қолишига сабаб бўлиши мумкин.

М. ЧОРИЕВА

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИГА ЯНГИ ВАКОЛАТЛАР БЕРИЛАДИ, ОРТИҚЧА ЮКЛАМАЛАР БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Президентга “Ички ишлар органлари профилактика инспекторининг мақоми тўғрисида”ги қонун лойиҳаси тўғрисида ахборот берилди.

Қонун лойиҳасида қуйидагилар назарда тутилган:

■ инспекторларга фақат қонунда белгиланган вазифалар юкланади, уларга тааллуқли бўлмаган топшириқлар ва ортиқча юкломалар бериш тақиқланади;

■ айрим маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича жазо қўллаш вако-

лати кенгайтирилади, айрим ҳолларда маъмурий огоҳлантириш бериш ҳуқуқи яратилади;

■ ҳокимликлар уларни хизмат хонаси ва уй-жой билан таъминлайди, фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланади;

■ узоқ йил хизмат қилган ходимлар учун пенсия таъминоти



бўйича қўшимча қафолатлар жорий этилади.

Шунингдек, йўл-патрул, патрул-пост ва қўриқлаш хизматларининг фаолиятини ўзаро уйғун-

лаштириш, қатор вазифаларини ягона тизимга бирлаштириш режалаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари тақдим этилган таклифларни маъқуллади.



ДУО ВА ВИЖДОН

Ушбу ҳикоямни рост ёзиш учун кўп ўйладим. Аммо қарор қилдим: балки кимгадир ибрат бўлар. Чунки ҳар бир жамоада гоҳ-гоҳида шундай ходимлар учраб туради.

Бизда ҳам бир пайтлар шундай ходима бор эди. У орастакон бўлиб ишларди. Бўлимимиздаги кизлар кийиниш хонасидан аста-секин турли буюмлар, майда-чўйдалар йўқолиб қола бошлади. Лекин ҳеч ким очикчасига гапирмасди.

Ўша куни ҳам ўша орастакон ишда эди. Оддий иш кунимизда, тушлик пайти 4–5 киши овқат буюртма қилмоқчи бўлди. Шунда кизлардан бири ёнида пул йўқлигини эслаб, кийиниш хонасига чиқиб кетди.

Орадан бироз вақт ўтиб, ранги оқариб, титраб кириб келди.

– Нима бўлди? – деб сўрадик.

– Пулим ҳам, сумкачам ҳам, телефоним ҳам йўқ... – деди у йиғлаб. – Телефоним дадамники эди... Унда қанча хотиралар, дадамнинг суратлари бор эди. Онамга нима дейман?.. Зўрға кўндиргандим. Онам айтган эдилар: “Йўқотиб қўясан”, деб...

Унинг отаси оғир хасталикдан вафот этганини ҳаммамиз билардик.

– Кизлар, – дедим мен, – ҳали тушлик. Демак, йўқотган одам ҳали ичимизда. Сабаби у ишдан кетгани йўқ. Кечгача кетиш йўқ. Қидирамиз. Албатта ечим топамиз.

Ҳаммамиз бўлиниб, излашга киришдик. Менга бўлимимизда жойлашган махсус хона тўғри келди. У ерда ортикча кроватлар, беморлар учун тоза кўрпа-тўшаклар, пол ювиш анжомлари турарди. Бу хонага асосан орастаконлар кириб-чиқишарди.

Ҳар бир нарсани диққат билан кўздан кечириб бошладим. Навбат кроватларга келди. Ерга ётиб, кроват тагига эгилганимда, қора ҳамён кўзимга ташланди.

– Топдим! – деб хурсанд бўлиб бакирдим.

Шу заҳоти ўша орастакон югуриб келди:

– Айтма, арра қиламиз, – деди.

Орадан 4–5 кун ўтиб, ўша опа бўлимга келди. Қўлида ариза. Ишдан бўшаб кетаётганини, бу ерда бошқа ишлай олмаслигини айтиб, йиғлаб юборди.

– Опа, – дедим мен, – менга айтган гапингизни ҳаммамнинг олдида ҳам айтинг.

– Бу мавзу ёпилади. Ҳеч кимга айтмаймиз. Сир тутамиз. Сўз бераман, – деди у.

Сўнг қўлларини дуога очиб:

– Илоҳим, ким олган бўлса, шу кроватда боласи ўлсин! ОМИН! – деди қаттиқ овозда.

Ҳаммамиз дуога эргашдик. Фақат менинг кўлим ҳавода қолиб кетди. Сабаби ўша пайтда кизим бетоб эди, даволанаётганди. Кўз олдим қоронғулашиб кетди.

– Ҳа, омин қилолмадингми? Ўзинг олиб, мени бўйнимга қўймоқчи бўлдингми?! – деди у бақириб.

Ҳамма менга қараб қолди. Худди мен ўғирлаб, ўзим топгандек ҳис қилдим ўзимни.

– ОМИН... Аллоҳу Акбар... – дедим зўрға.

У мени туртиб, хонадан чиқиб кетди.

Ўша куни гўё елкамда оғир юк билан ишлаб юрдим. Гоҳида унинг менга айтган гапи, гоҳида ўша дуо-си қулоғим остида жарангларди. Ноҳуш кун билан ишимни яқунладим.

Эртаси тонг ишга кетаётганимда, кечаги воқеаларни ўйлаб, кўнглим ғалати бўлиб кетди. Ишхонага кирсам, ҳамма безовта.

– Ташқарига чиқайлик, – дейишди.

Нима гап эканини сўрадим. Маълум бўлишича, кечаги орастаконнинг ўғли мактабдан қайтиб келаётганда машина уриб кетган экан. Уни бизнинг шифохонага олиб келишибди. Афсуски, у айнан бизнинг бўлимда жон берибди...

– Болани тонгда олиб кетишди. Жанозаси тушликда экан, – дейишарди кизлар.

Устимдан муздек сув куйгандек бўлди. Юрагим тез урар, юзим увишарди. Ўзимни айбладим. Ўша кун, ўша сўзлар, ўша дуо учун. Мен жанозага боролмадим. Гўё ҳамма айб менда, виждоним азобланарди. “Кошқийди ҳамёни топмасайдим”, деб ўйладим.

Орадан 4–5 кун ўтиб, ўша опа бўлимга келди. Қўлида ариза. Ишдан бўшаб кетаётганини, бу ерда бошқа ишлай олмаслигини айтиб, йиғлаб юборди.

– Кечир... – деди у. – Ўшанда сенинг боланг касаллигини билиб дуо қилгандим. Мени кечир, илтимос...

Оқ халат ортидаги тақдир

Беморлар орасида энг кўп учрайдиган касалликлардан бири – жигар циррози. Бугун ҳам шундай дард билан азият чеккан бемор қабул қилинди.

Комила. Ёши атиги 24 да.

У шифохонамизда илгари ҳам 3–4 марта даволаниб кетган. Бу гал эса аҳволи жуда оғир эди. Ташхис – жигар циррози, асцит. Яъни жигарда сув йиғилиши. Қорни худди 34 ҳафталик ҳомила бордек шишган.

Унга қараб юрагим зирқиради: ранги сап-сарик, жуда озиб кетган. Қўлларидagi томирлар худди дарахт илдизларига ўхшайди. Кўзлари буртиб чиққан, холсиз.

– Қон қуйиш керак, – деди шифокор. – Қон марказига бориб келинг.

Комиланинг турмуш ўртоғи менга шерик бўлди.

Йўлда у қуюниб гапирарди:

– Опа, деҳқонман. Оиламни фақат пешона терим билан боқаман. Учта фарзандим бор, кичиги икки ёшда. Кеча қўшнилари ун олиб ўтиб, нон қилиб беришди. Қари онам болалар билан уйда. Опа, оилам яхши бўлиб кетадими? Агар унга бирор қор-қол бўлса, мен нима қиламан?..

Қонини олиб қайтар эканмиз, яна деди:

– Уйга бориб келсам... етти кундан бери уйга кирмадим. Уст-бошимни алмаштириб, дори-дармонга пул олиб келаман. Молни сотишимиз керак...

Унга назар ташладим. Соч-соқоли ўсиб кетган, устисида оқ футболка – тердан доғ бўлиб қолган. Жинси шимининг тиззалари кирдан қорайган.

– Майли, ака, бориб келинг. Ле-

кин кўп қолманг, аҳволи оғир, – дедим.

– 3–4 соатда келаман, – деди у.

Мен Комиланинг венаси орқали қон қуя бошладим. Ранги дарҳол ўзгарди, овози бироз дадиллашди.

– Опа, бир илтимосим бор, – деди у. – Мактуб ёзайлик...

Кўп беморлар биз билан яқинларидан ҳам кўпроқ суҳбатлашишарди, ҳатто сирларини ҳам айтишарди.

– Майли, кел, ёзамиз, – дедим.

У айтиб турди, мен ёздим:

«Салом, дадаси.

Эхтимол, бу мактубни ўқиётганингизда мен бўлмасман. Такдиримдан розиман. Фарзандларим сизга омонат. Қизимиз Гулини онамга беринг, у жуда кичик... Сиз эплотмайсиз. Мендан кейин уйланинг, окила, иймони бутун аёл бўлсин. Болаларим қийналмасин. Ҳовлимизга ҳар баҳор гуллар, райхонлар экин. Гўё мен бордек бўлади. Бу ҳовли мен учун жаннат. Жаннатимиз қуриб қолмасин. Молни сотманг. Маракамни кичикроқ ўтказинг. Мени деб кўп қийналдингиз... Сиз менга бу дунёда жаннат ҳадя этдингиз. Сиз ҳам мендан розимисиз?..»

– Бўлди, – дедим. – Энди ухланг, дам олинг.

– Опа, туш кўрибман... Қил-қўприк экан. Тагида олов ёнармиш. Ўтибман... Катта оқ эшик пайдо бўлибди, тақиллатармишман...

Комила икки соат чамаси ухлады.

Тўсатдан қусиш бошланди. Жуда кўп... Лахта-лахта қон. Оғзидан, бурнидан қон кетарди. Қон тўхтатувчи воситалар ёрдам бермади. Комила ҳушини йўқотди. Бир соатлик уринишлар бефойда бўлди...

Шу пайт эшик очилиб, эри дод солиб кириб келди.

Қўлида бир пачка пул. Молини сотиб кеч қолган эди. Ўзини айбларди...

Менинг эса қўлимда мактуб...

Қўлим титраб, уни секингина турмуш ўртоғига тутказдим...

Гулбаҳор ПРИМОВА

Қамашида Қизил китобга киритилган кобра илони қонуний чора кўрилгунга қадар олиб қўйилди

Қашқадарё вилояти Экология ва иқлим ўзгариши бош бошқармаси инспекторлари томонидан Қамаши туманида ўтказилган экологик назорат рейди давомида ноқонуний сақланаётган 1 бош Марказий Осиё кобраси аниқланди.

Текширув жараёнида автомашинадан тирик кобра илони, турли ҳайвон терилари, номаълум ҳайвон гўштлари, ёввойи ҳайвон ва ўсимлик ёғлари ҳамда доривор ўсимлик намуналари топилиб, қонуний қарор қабул қилингунга қадар ашёвий далил



сифатида олиб қўйилди.

Мутахассислар ҳулосасига кўра, ушбу илон Марказий Осиё кобраси бўлиб, Ўзбекистон Респуб-

ликаси Қизил китобига киритилган ноёб тур ҳисобланади. Текширув вақтида илоннинг аҳволи оғир, танасида жароҳатлар ва сувсизланиш аломатлари мавжудлиги қайд этилган.

Олиб қўйилган ҳайвон ва ўсимлик намуналари бўйича тегишли илмий муассасаларнинг ҳулосалари олинмоқда. Ҳолат юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда чоралар кўрилмоқда.

Азизбек ҚУРБОНОВ,

Қашқадарё вилояти экология ва иқлим ўзгариши бош бошқармаси шўба бошлиғи



МУАССИСЛАР:

Экология ва иқлим
ўзгариши миллий
қўмитаси

Ўзбекистон
«Маҳалла» хайрия
жамоат фонди

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкилотлари миллий
ассоциацияси

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати – Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси



Биз интиқиб кутган илк тарихий Жаҳон чемпионати биз учун тугади. Учала ўйинимизни ўйнаб бўлдик. Ҳа, афсуски, учта мағлубият. Умуман олганда, 2 та мағлубият бошидан кутилганди, учинчи ўйинда нимадир қилармиз, деб умид қилаётгандик. Демак, деярли кутилган натижалар бўлди, сал яхшироғидан умид қилгандик.

Жаҳон чемпионатида қабул қилган мағлубиятларимизни тарозининг бир палласига, олган ютуқларимизни бошқа палласига қўйсак, шубҳасиз, ютуқлар босиб кетади.

ЭНГ КАТТА ЮТУҚ – бу Ўзбекистоннинг имиджи учун бўлди. Миллиардлаб инсон дунёда Ўзбекистон деган давлат ҳам борлигини, байроғи қанақалигини, илк марта Жаҳон чемпионатида чиққанини кўришди, мадҳиямизни эшитишди.


Шахсий хулосам шу бўлдики, келгуси 2030-йилда ҳам яна бир марта Жаҳон чемпионатида чиқсак, хорижда Ўзбекистон деганда Покистон ёки Афғонистон деб тушунишларига деярли барҳам берармиз. Ҳозирги мундиалда ҳам тахминан 50-60% йўқотишга эриша олдик.

Ўзбекистон йиллар давомида ўзини реклама қилиш учун бир неча юз миллионлаб долларни сарфласа ҳам ололмайдиган самарани битта Жаҳон чемпионатида олдик. Бу футболнинг қанақа катта куч эканини кўрсатади.

Ушбу ютуқ билан ҳаммани табриклайман. Албатта, бу қўл билан ушлаб бўлмайдиган, ҳамма ўз танасида биттада ҳис қила олмайдиган ютуқ. Лекин, ишонинг, бу Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун билвосита таъсир қиладиган ғалаба.

МАҒЛУБИЯТЛАР – бу худди қишлоқнинг тўйларида қўшиқ айтиб, ҳамманинг “любимчиги” бўлиб юрган қўшиқчи илк бор катта сахнада профессионал концерт қўйиб, аслида қанақа даражада эканини билиб олганга ўхшайди. Биз ҳам аслида қанақа даражада эканлигимизни билиб олдик.

Мураббийнинг тактик хатолари, футболчиларнинг кучсиз жисмоний ва рухий ҳолати-ю, нўноқ техникаси, ҳаммасини



кўрдик. Нафақат терма жамоанинг ўйини, балки унинг атрофидаги бошқа масалаларда ҳам профессионал эмаслигимизни, ўзимизнинг қишлоқ даражасида юрганлигимизни билиб олдик. Форма танлаш ва сотиш дейсизми, миллий жамоа брендини яратиш дейсизми, мухлислик дейсизми, журналистлар жамоасининг ишлаши дейсизми, экспертлар таҳлили дейсизми, хуллас, Жаҳон чемпионатида алоқадор нимаики бўлса, анча орқада эканлигимизни кўрдик.

КЎРДИК. Шу жойи муҳим. Аввал бунга кўра олмасдик, чунки қишлоғимиздан ташқарига чиқмаётгандик. Бу худди касал одам йиллар давомида шифокорга бормасдан юрганига ўхшайди. Биз ниҳоят бордик ўша шифокорга! Тиббий таҳлиллар топширдик, қўлимизда натижалар турибди. Рентген қоғозида 3 та грижамиз борлиги, қон таҳлилларида қандли диабетимиз юқорилигини кўриб турибмиз. Энди навбат – **ДАВОЛАНИШГА!**

Шифокорга бормасак, касалимиз ҳам чиқмасди, бахтли бўлиб юраварардик, тўғрими? Лекин умримиз ҳам тобора қисқариб бораверарди. Бутунлай ўлиб қолмасимиздан олдин шифокорга бордикми, энди яна баҳона қилмасдан, тезроқ даволанишни бошлайлик. Диета қилайлик, дори-ларни ичайлик, ўз устимизда ишлайлик, турмуш тарзимизда қатъий режим ўрнатايлик, хуллас – **ЎЗГАРАЙЛИК!**

Ўзгариш даври келди!

Даволаниш даври келди!

Соғайиш даври келди!

Туринг ўрнингиздан, касал эканман, вой-дод ўламан, деб тўшақда йиғлаб ётаверманг. Ҳаётга қайтинг. Курашинг. Ҳаракат қилинг. Кучли хоҳланг. Ишонинг.

Бу гаплар ҳаммага тегишли – футболчиларга, мураббийларга, футбол мутасаддиларига, мухлисларга, журналистларга, **ҲАММАГА!**

Ёки биргаликда тузаламиз, ёки биргаликда ўламиз.

Мен тузалиш тарафдориман, сиз-чи?

Хушнудбек ХУДОЙБЕРДИЕВ

Тахрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Ақтам ҲАЙИТОВ
Қамолитдин
ИШАНХОДЖАЕВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир

Максуд

ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-710
Адади: 3018

Пайшанба кунини чиқади.

Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.

Баҳоси келишилган нархда.

2024 йил 2 августда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 0010-рақам билан
рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун
телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29

Электрон почта:

jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6



“...Ҳомиладорман, уйда бир ярим яшар фарзандим ҳам бор. Бир ойдан бери отамникида яшайпман, аразлаб келганман. Аниқроғи, касал бўлиб қолаверганим учун қайнонам ҳайдаб юборганди.. Ёрдам беринг, ўқишдан ҳайдалишим мумкин. “Отчисление”га тушдим. Битиришимга бир йилгина қолган. Энди нима қиламан! Ҳамма мени айблайди, ота-онам ҳам, эримни уйидагилар ҳам. Ҳеч нарсани эплай олмас эканман. Умуман, яшагим келмай қолди. Қорнимда болам бўлмаганда, ўзимни бир бало қилиб қўярмидим...” дейди суҳбатдошим.

Мутасаддилар томонидан бу ёшгина кизга ёрдам кўрсатилди. Оиласи билан ярашди, маҳалласи, қайнонаси билан гаплашдик. Қолдирилган дарсларини “отработка” қилиб, ўқишидан ҳам ҳайдалмайдиган бўлди. Анча асаббузарликлар бўлишига қарамай, ҳаммаси яхшилик билан тугади.

Бизда кизларни эртароқ узатиб юборишга, “эгасига топширишга” ҳаракат қилишади. Бу менталитет. Таҳлил қилиб кўрсак, бунинг иқтисодий ва ижтимоий муҳим сабаблари бор экан. Энг муҳимла-

ча яхши ният билан қабул қилинади. Агар кизлар олий таълимни тамомлаб, иқтисодий мустақилликка эришгач турмуш қурганида, бугунги муаммоларнинг қанчаси юзга келмас эди?

Аммо бугун бошқа замон. Бугун деярли барча кизлар олий таълим олмоқда. Касб эгалламоқда. Ўз келажагини куриш имкониятига эга. Шундай экан, ҳали диплом олмаган, ўз ҳаётини белгилаб



моя тизимлари кесишган нуқтадаги катта муаммо.

Олий таълим муассасаси талабанинг ўқишини сақлаб қолиш имкониятларини кўриб чиқади, психологик ва ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатилади. Оила ва хотин-қизлар тизими мутахассислари ёш оиланинг муаммоларини ўрганиб, яраштириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларини кўради. Маҳалла эса уни “суд” қилмайди, унга кўмак беради. Оқибатлар бартараф этилганда, муаммо ечилади...лекин жараён тўхтамайди. Демак, биз муаммонинг илдизи билан курашишимиз керак! Дипломини қўлига олмаган кизни келин қилишга шошилиш керак эмас! Демак у ўқишни танлади!

Тайинли иши, барқарор даромади, уй-жойи, келажак режалари аниқ бўлмаган, ўқиши чала, масъулияти - унга уйланишга рози бўлган эркекнинг зиммасида бўлган ёш кизлар келгусида ҳам фақат муаммолар гирдобиди бўлиши тайин. Бу ҳаёт ҳақиқати, тажрибада кўп исботини топяпти.

Мурожаат қилган ўша киз мисолида бунинг таҳлил қилиб кўрайлик. Муаммо ҳал бўлди – у ўқишини давом эттиради, оиласи тикланди, яраштириб қўйишди. Кейин-чи...Туғса, барибир академик таътил олади, ўқиши вақтинча тўхтайдиган. Бир неча йил болалар парвариши билан уйда ўтириши, табиий ҳол. У қачон олий таълимни битиради, қачон дипломини олади ва ундан қандай малакали мутахассис чиқади? Ёш бўла туриб, икки боланинг онаси бўлгани учун асаблари чидайдами бунга? Ҳеч курса у бахтли оила бекаси бўлса ҳам майли, эди...Эртага болаларига сизни деб ўқишдан қолиб кетганман, деб аламини олмайдами?!

Бугун ўқишини ташлаш хавфида турган ҳар бир талаба киз – эртага иқтисодий мустақиллигини йўқотган, ўз салоҳиятини тўлиқ намоён қила олмаган яна бир аёл демакдир. Бу эса фақат бир оиланинг эмас, бутун жамиятнинг йўқотишидир.

ТАЛАБА ҚИЗНИ келин қилишга шошилманг. Эплаб кетади, дея кўрманг! Аввал унинг таълим олишига, оёққа туришига, шахс сифатида шаклланишига имконият беринг. Чунки билимли келин ҳам, билимли она ҳам, билимли аёл ҳам жамият учун энг катта бойликдир.

Гулчехра БЕРДИЁРОВА

ТАЛАБА ҚИЗНИ КЕЛИН ҚИЛМАНГ!

ри – иқтисодий сабаблар. Айрим оилаларда киз фарзанднинг таълими, кийим-кечаги ва кундалик эҳтиёжларига кетадиган харажатни камайтириш учун уни эртароқ турмушга беришга мойиллик бўлади. Аксарият ота-оналар қизининг келажагини унинг таълими ёки касбидан эмас, балки турмуш ўртоғининг моддий аҳволида кўради. «Барибир бошқа хонадонга кетади» деган қараш ҳам сақланиб қолган. Шунинг учун қизнинг олий таълимига сарфланган маблағни келажак сармоясидеб эмас, ортиқча харажат деб баҳолайдиганлар кўп.

«Катта бўлиб қолди», «Тенгдошлари турмушга чиқиб кетди», «Совчиларни қайтариб бўлмайди» каби қарашлар қарорларга кучли таъсир кўрсатади. Ота-оналар баъзан қизининг таълими тугаганини кутмай, муносиб деб ҳисоблаган номзодни йўқотиб қўйишдан қўрқади. Қиз боланинг асосий вазифаси оила куриш деган стереотип гарчи жамият ўзгарган бўлса ҳам, айрим ҳудудларда аёлнинг муваффақияти – унинг маълумоти ёки касби билан эмас, турмуш қурган-қурмагани билан баҳолаётганини тан олиш керак.

Энг қизиғи, бу қарорлар кўпин-

улгурмаган қизнинг зиммасига бир вақтнинг ўзида келинлик, оналик ва талабалик масъулиятини юклаш қанчалик тўғри?

Талабаликнинг ўзи катта меҳнат талаб қилади. Она бўлиш эса икки карра масъулият. Бу катта вазифаларни бир вақтда удалай олмаётган қизларнинг айби нимада? Бизни ташвишлантириши керак бўлган яна бир жиҳат – талабанинг ўқишидан ҳайдалиши эмас. Асосий муаммо-қизнинг ҳаётидаги барча муҳим қарорлар бир вақтнинг ўзига тўғри келиб қолгани. Жамият қизларнинг олий таълим олиши кераклигини тарғиб қилади, бироқ амалда улардан яхши келин, намунавий рафиқа ва қисқа вақт ичида она бўлишни ҳам кутади. Натижада киз иккала томоннинг оғир талаблари остида қолади. Бу ерда савол унинг нима учун дарс қолдирганида эмас. Савол шундаки, нега биз ҳали ҳам 19-20 ёшли қиздан бир вақтнинг ўзида ҳам муваффақиятли талаба, ҳам идеал келин, ҳам масъулиятли она бўлишни талаб қиляпмиз? Кейин эса шу юкни кўтара олмаган қизни айблаймиз. Бу адолатдан эмас!

Замон, одамларнинг дунёқара-

ши ўзгарди – аммо биз ҳали ҳам битта хатони такрорляпмиз: талаба қизнинг дипломидан кўра келинлик мақомини муҳимроқ, деб ҳисобляпмиз. Натижада ўқишдан қолган, руҳий босимга тушган, иқтисодий жиҳатдан қарам ва ўз тақдири устидан қарор қабул қила олмайдиган ёш аёллар сони кўпаймоқда.

Энг оғир томони шундаки, бу фожиа одатий ҳолдек қабул қилинган. Талаба киз ўқишини эплай олмас – айбдор. Фарзандига ҳам, дарсига ҳам улгурмас – айбдор. Руҳий тушқунликка тушса ҳам – айбдор. Аммо уни шу аҳволга олиб келган қарорлар учун деярли ҳеч ким жавобгар эмас.

Муаммо уларда эмасдир? Муаммо ҳали ҳаётга тайёр бўлмаган қизларни эрта турмушга бераётган ота - оналарда. У ўқишдан ҳайдалса нима бўлади? Агар оиласи бузилса-чи? Юқоридаги қахрамонимиз айтганидай, ҳамма фақат уни айблайди. Натижада эса икки нафар боланинг онаси ишсиз, маълумотсиз ва ижтимоий ҳимоясиз ҳолатга тушиб қолиши мумкин. Демак, бу фақат бир оиланинг муаммоси эмас. Бу – таълим, оила ва ижтимоий ҳи-